

№ 06-01/25  
03.02.2020й.



**Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тили фанларига  
ихтисослаштирилган мактаб-интернати (Навоий-Қоракўл мактаб  
интернати)да ўқувчиларни соғлом овқатланишини “аутсорсинг”  
усулида ташкил қилиш ва назоратини олиб бориш бўйича вилоят  
комиссиясининг йиғилиш баёни**

2020 йил 22 январь

Навоий шаҳри

**Йиғилиш раиси:** - **Ф.Солиев** - Вилоят ҳокими ўринбосари, Комиссия  
раиси

**Иштирок этди:** - Комиссия аъзолари, вилоят корхона, ташкилот ва  
муассасалар раҳбарлари

#### **КУН ТАРТИБИ:**

**Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тили фанларига  
ихтисослаштирилган мактаб-интернати (Навоий-Қоракўл мактаб  
интернати) ўқувчиларни соғлом овқатланишини “аутсорсинг” усулида  
ташкил қилиш тўғрисида**

---

(Ф.Солиев, М.Базаров, Н.Улуғбердиев, Д.Очилов, Р.Насимов, Қ.Шукуров, Ф.Гафаров, Л.Ҳожиёва,  
Р.Ҳайитова, Н.Яхёев, Б.Пирнафасов, Ҳ.Қарчигаев, Т.Каёпов,.....Солиев)

Йиғилишда Мухтарам Юртбошимиз раҳбарлигида 2019 йил 23 августда “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчи мавқеини ошириш масалалари”га бағишлаб ўтказилган видеоселекторда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 173-сонли қарорига мувофиқ Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги Халқаро математика фанига ихтисослаштирилган мактаб-интернати билан ҳамкорликда Навоий шаҳрида математика, физика ва инглиз тилига ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилганлиги, мазкур ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этишдан мақсад умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда вилоятдаги ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш ва ҳар бир ўқувчининг индивидуал куникмаларини шакллантиришдан иборатлиги алоҳида қайд этилди.

Мактаб-интернатиди 2020 йил 20 январь кунидан бошлаб 7-, 8-, 9- ва 10-синфларида жами 240 нафар ўқувчиларга дарс машғулоти ўтилиши бошланди.

Мактаб-интернатига қабул қилинган 240 нафар ўқувчилар мазкур муассасанинг ётоқхонасида истиқомат қилган ҳолда ўқув жараёниларида иштирок этишмоқда.

Мактаб-интернати ўқувчиларнинг тўлақонли соғлом овқатланишини ташкил этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлом овқатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этган ҳолда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида ҳамда Комиссия аъзоларининг кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олиб, йиғилиш

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий шаҳар ҳокимлиги, вилоят халқ таълими ҳамда молия бош бошқармаларининг Навоий шаҳар математика физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган мактаб интернати (Кейинги ўринларда мактаб интернати деб юритилади)да ўқувчиларни соғлом овқатланишини “аутсорсинг” усулида ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Навоий шаҳар математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернатиди ўқувчиларни соғлом овқатланишини “аутсорсинг” усулида ташкил қилиш комиссиясининг мактаб-интернатиди ўқувчиларни соғлом овқатланишини “аутсорсинг” усулида ташкил қилиш бўйича ўтказилган танловда “Идиал Омад” МЧЖ, “Хушноза Файз” Х.К, “Азизбек Элбек келажаги” МЧЖ, “Сухроб Мизроб Тилло” Х.К, “Соғлом Келажак Авлод” МЧЖ лари иштирок этганлиги ва ўтказилган танлов якундари бўйича умумий овқатланиш бўйича 2015 йилдан буён фаолият юритиб келётган, махсус моддий-техника базаси талаб даражасида бўлган, озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассисларга эга “Азизбек Элбек келажаги” МЧЖ танлов ғолиби бўлганлиги тўғрисидаги хулосаси маъқуллансин.

3. Мактаб-интернатига кириш имтихонлари белгиланган талаблар асосида ўтказилганлиги ва иккита йўналишнинг 7,8,9,10 синфларига энг юқори балл тўплаган ўқувчилар танлаб олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Вилоят ҳокими ўринбосари (Ф.Солиев), Навоий шаҳар ҳокими (М.Базаров) вилоят молия бош бошқармаси (Д.Очилов) вилоят халқ таълими бошқармаси (Н.Улуғбердиев) билан биргаликда ўрнатилган тартибда мактаб интернати ўқувчиларини соғлом овқатланишини “аутсорсинг” усулида ташкил этсин.

5. Қуйидагилар мактаб-интернатиди соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўқувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда уларнинг рационал овқатланишини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни ўқувчиларнинг соғлом ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган зарур моддалар билан таъминлаш;

ўқувчиларда тана вазнининг меъёрдан ортисининг, организмда йод моддасининг танқислиги ва моддалар алмашинуви жараёни бузилишининг олдини олиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаш;

ўқувчиларда овқатланиш билан боғлиқ юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

ўқувчилар ўртасида соғлом овқатланиш кўникмаларини шакллантириш;

таълим муассасасалари ошхоналарида сотилиши тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар билан савдо қилишнинг олдини олиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини сақлашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиш.

6. Белгилансинки, мактаб-интернатида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этадиган аутсорсерга мактаб-интернатининг ошхоналари ва жиҳозларини ижарага бериш нол қийматда амалга оширилади ҳамда (электр, энергияси, сув, газ) тўловлари мактаб-интернатининг харажатлар сметасида кўзда тутилган ҳажмда муассаса томонидан қопланади.

Мактаб-интернатида “Аутсорсинг” усулида овқатлантиришни ташкил этилганда болаларни овқатлантиришни молиялаштириш ота-оналар тўлов пуллари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ҳомийлик маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этганда мактаб-интернатида бош ошпаз, ошпаз, ошхона ишчилари, омборчи штат бирликлари белгиланган тартибда муассасанинг штатлар жадвалида кўзда тутилмайди.

Мактаб интернатида Аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича шартнома мактаб-интернати ва аутсорсер ўртасида бир ўқув йили даври учун тузилади. Шартнома муддати тугагандан сўнг аутсорсер фаолияти Комиссия томонидан ўрганиб чиқилиб ижобий хулоса берилганда шартнома муддати узайтирилиши мумкин.

Комиссия аутсорсер томонидан тайёрланадиган овқатларни мониторинг қилиб боради, аутсорсер томонидан сифатсиз таомлар берилиши, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилиш ҳоллари аниқланганда шартномани тўхтатиши ёки намунали фаолият юритадиган аутсорсерлар билан янги шартномалар тузилиши учун қарор қилиш ваколатига эга бўлади. Бунда аутсорсер барча харажатларни (солиқлар, ходимларнинг иш хақи, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва бошқаларни) ўз

овқатланишнинг тасдиқланган Сан-Пин нормасидан келиб чиқган ҳолда белгилайди.

Аутсорсер томонидан ҳар ўн кунда тасдиқланган таомномалар нусхалари ҳамда ҳисоб-китоб бўйича ҳисоб-фактура ҳужжатларини тасдиқлаб, ҳисобот тузиб, тегишли буюртманомаларни мактаб-интернатининг бухгалтериясига тақдим этиб боради.

Аутсорсер томонидан тақдим этиб борилган буюртманомани мактаб-интернати ўрганиб чиқиб, тўғрилигига аниқлик киритилганидан сўнг кўрсатилган ҳисоб-китобларига кўра тегишли маблағларни жорий ойнинг 25-кунига қадар ўтказиб берилишини таъминлайди. Бунда жорий ойнинг қолган кунлари учун маблағлар кейинги ой кунлари учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказиб беради.

7. Вилоят комиссияси (Ф.Солиев), вилоят халқ таълими бошқармаси (Н.Улуғбердиев), вилоят молия бош бошқармаси (Д.Очилов), вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси (Л.Ҳожиева)га:

мактаб интернатига етказиб берилаётган тайёр ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш, сақлаш, ишлов бериш, улардан таомлар тайёрлаш, тарқатиш, идиш товоқларини ювиш, дезинфекция қилиш жараёнлари устидан санитария назоратини йўлга қўйиш, болаларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлаш;

ўқувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган давлат талабларини инобатга олган ҳолда уларнинг рационал овқатлантирилишини назорат қилиб бориш топширилсин.

8. Вилоят молия бош бошқармаси (Д.Очилов), Вилоят халқ таълими бошқармаси (Н.Улуғбердиев)га:

Мактаб интернатидаги молиявий кўрсаткичлар, санитария-гигиена талаблари, айниқса етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини кунлик назоратга олиш;

Навоий шаҳар ҳоқимлиги (М.Базаров), вилоят "Ижара маркази" ДУК (И.Нодиров) билан биргаликда мактаб интернати ошхонаси ва жиҳозларини ўрнатилган тартибда овқатлантиришни ташкил этадиган талабгорга нол қийматда ижарага берилишини ҳамда коммунал (электр энергияси, сув, газ) харажатларни мактаб интернати харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланишини таъминлаш юклатилсин.

9. Вилоят Молия бош бошқармаси (Д.Очилов), вилоят Ғазначилик бошқармаси (Қ.Шукуров), биргаликда мактаб-интернатида ўқувчиларни овқатлантиришни ташкил этадиган талабгорга тегишли маблағларни белгиланган тартибда тўлаб борилишини таъминласинлар.

10. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Ф.Гафаров) вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси (Л.Ҳожиева), Вилоят Халқ таълими бошқармаси (Н.Улуғбердиев), Вилоят Молия бош бошқармаси (Д.Очилов) ҳамда алоқадор идоралар билан биргаликда мактаб интернатида ўқувчиларни соғлом овқатлантиришни санитария-гигиена қоидаларига риоя

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф.Солиев ва вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Н.Улуғбердиев зиммасига юклансин.

Баёни расмийлаштирди



А.Латипов